

Муҳаммад Ризо Огаҳий
таваллудининг 190 йиллигига



Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги
мисолини 116-бетда ўқинг.

УЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИНИНГ
ИЛМИЙ-
МЕТОДИК
ЖУРНАЛИ
99. № 5-6

*Фил ва
adabiyot
ta'limi*

МУНДАРИЖА 5-6

МУАММОЛАР... ВАЗИФАЛАР... ЕЧИМЛАР...

...нинг тили ...бул қилинган- ...нинг 10 ...лиги...	“Давлат тили ҳақида” ги қонун амалиётда..... 5
	Йўлдош Саиджонов. “Таълим ислохотлари жараёнида “Давлат тили ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг урни ва аҳамияти..... 8
	Низомиддин Маҳмудов. Давлат тили ва умуминсоний қадриятлар..... 20

ҚОНУН ВА ИЖРО

...нинг ...лиги	Ҳ. Ғаниев, Х. Насратов, Н. Шукруллоев. Мукаммал қонунлар, пишиқ қўлланмалар, исёсли тиклифлар - савод- қонлик гирони..... 31
--------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

МЕТОДИКА

Тил методикаси	Гулноз Нёзматова. Она тили таълимнинг янги технологияси ва ўқувчининг фаолият турлари....35
Адабиёт ўқитиш методикаси	Қундузхон Хусанбоева. 6-синфда Чингиз Айтматовнинг "Оқ кема" романи устида ишлаш.....38
Давлат тилини ўқитиш методикаси	Роза Нёзматова. Ўзбек тили дарсларида адабий материаллардан фойдаланиш.....47 Онагул Муслимова. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг суз бойлигини ошириш.....50 Хибия Утаганова. Ўқувчилар суз бойлигини оширишда семантизация усулларидан унумли фойдаланиш йўллари.....54

ТИЛШУНОСЛИК

Услубият	Фаридахон Хусайнова. Тантанавор нутқ ва унинг айрим хусусиятлари.....59
Морфология	Нодира Нишанова. Отларнинг мазмуний таснифи ҳақида айрим мулоҳазалар.....62
Синтаксис	Фароғат Бозорова. Умумлаштирувчи мазмунни англатувчи тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларнинг синтактик шаклланиши.....64
Лексикология	Келдибек Бозорбоев. Фразеологизмлар - нутқнинг таъсирчанлигини ошириш воситаси.....67
Фразеология	Абдуғаффор Маматов. Вариантланиш фразеологик шаклланишининг воситаси сифатида.....71

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Шеършунослик тарихи	Эминжон Талабов. Марказий Осиёда шеършуносликнинг ёзма қайд қилинган фан сифатида шаклланиши.....76
Шеър таҳлили	Наргиза Туланова. Шеърятда иборалар таҳлили.....81
Шоир ижодининг янги қирралари	Жумагул Сувонова. Суз сеҳри ёки сураат парчалари.....85
Адабий тадқиқот	Мухтор Худойқулов. Фафур Гулом ижтимоий ҳажв устаси сифатида.....91
Манбашунослик	Дилдора Абдуллаева. Ўзбек адабиётида шоир Зорий ижодий мероси.....98
	Алимулла Ҳабибуллаев. Манбаларга эътибор - давр талаби.....102

АДАБИЙ ТАҚВИМ

"Алломиш" достонининг 1000 йиллигига	Зухриддин Йсомиддинов. "Алломиш" достонининг вазнлари хусусида.....108
Отаҳай таваллудининг 190 йиллигига	Абдурашид Абдуғафуров. Машҳур шоир, моҳир таржимон, истеъдодли тарихчи олим.....116
"Меҳробдан чаён"нинг 70 йиллигига	Баҳодир Карим. Мувозанат - талқин таянчи.....127

ЧЕТ ТИЛИНИ УРГАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Инглиз тили	Музаффар Чориев. Инглиз тилида ўқувчилар суз бойлигини оширишда диалогик машқлардан фойдаланиш.....134
	Валижон Воситов. Полинегативлик ва мононегативлик муаммоси.....137

фан тарихида узига хос урин тугади. Айниқса, улардаги шеърнинг ўқимишли бўлишини таъминлайдиган омиллар борасидаги фикрлари диққатни тортади. Аслида бу икки алломамиз ўз асарларини Аристотель поэтикаси хусусида Шарқда узоқ давом этган баҳсга қўшилиб, илмий мунозара тарзида ёзганлар. Ана шу баҳс туфайли Аристотель узининг монументал, фалсафий тафаккур ила сугорилган фикрлари билан Европадан кўра бизда - Шарқда машхурроқ бўлиб қолганди. Айни пайтда Шарқ поэтикаси ва арузий матндаги шеърлар мукамалликни юз тугди, баълоғат касб этди.

Бизгача етиб келган мерослар орасида Абу Райҳон Берунийнинг асарларида жамланган ва арузий шеърни бошқа вази, йўналиш ва тиллардаги шеърят билан боғлиқ ҳолда урганишга оид фикрлар жуда қимматлидир. Беруний Хиндистон сафарига ҳинд шеъряти билимини жуда чуқур ўрганган,³ уни араб арузий шеъри билан қиёслаган ва қатор илмий ҳудудларга келган эди. Дунё олимлари шунга эътироф этишдики, арузий матни бошқа тиллардаги аналогик шикълар билан қиёсий урганишга Шарқда биринчи бўлиб Абу Райҳон Беруний азм қилган.⁴

Юқоридаги тадқиқий фактлардан шу нарсга аён бўладики, биринчидан, бизнинг бобоқолон олимларимиз фақат Марказий Осиёдагина эмас, балки умумшарқ ва араб шеършунослик билимининг буюк кашшофлари эдилар. Уларнинг асарларида илгари сурилган илмий фикрлар шеършуносликнинг фан сифатида ривожига замин бўлган. Иккинчидан, ўша фаолият биров кейинроқ Навоий ва Бобурлар томонидан яратилган туркий шеършунослик фанининг қонуний бошланиши бўлди ва унинг заминида теурийлар даврида Марказий Осиёда баркамол шеършунослик фани вужудга келди.

Эминжон ТАЛАБОВ,
НамДУ доценти.

¹ А.Навоий. 14-жилд. -Т., 1967. -133-182-б.; 3.Бобур. Мухтасар. -Т., 1971.

² И.Султонов. "Мезонул авзон" ҳақида. Қаранг: А.Навоий. 14-жилд. - 268-б.

³ 3.Бобур. Мухтасар. -98 "а".

⁴ О.Мусаев. Антология Бохарзи "Думйату-л-қасир" как памятник арабоязычной лит-ры Средней Азии. См.сб. "Вопросы восточного литературоведения и текстологии". -М., 1975. -17-б.

³ К.Броккельман. История арабской лит-ры, I, Ауст., Бл I, 97-б.
⁶ Х.К.Усманов. К характеристике ритмического строя персского стиха. // Народы Азии и Африки. - 1968. №6. - с. 74.
⁷ Абу Мансур ас-Саолибий. Иаимату-д-дахр. 4 кисм, 1-3 боблар. -Т., 1976.

⁸ М.Зивьявдинова. Вопросы арабской метрики в энциклопедии "Мафатих ал-удум" ал-Харезми. См.сб. "Арабская лит-ра, средневековье и современность". -Т., 1982. -20 б.

⁹ Абу Райҳон Беруний. Таълиғат ул-асрлар, 2 жилд, Хиндистон. -Т., 1965.

¹⁰ А.Қаюмов. Беруний ва адабиёт. -Т., 1974. -43 б.

ШЕЪРИЯТДА ИБОРАЛАР ТАҲЛИЛИ

Бадий асар тили таҳлилида фразеологик иборалар турли лексик-семантик узгаришлар асосида қўлланиши таъкидланади¹. Шоир эса шакл ва мазмун бирлигини фразеологик иборалар орқали давр руҳи, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ образлар мисолида юзага келтиради.

Ўзбек адабий тилида купмаънолилик ва услубий ифодаликни акс эттиришида 90-йиллар шеърियाги лексик таҳлили узгача урин тугади. Бунга мисол сифатида узига хос мажозий образликка эга булган А.Уктамнинг "Суруқ"² шеърини олайлик. Унда қатга бир фалсафий мазмун руҳи сингиб кетган фразеологик иборалар учрайди.

Шеърнинг ҳар бир бандида асарнинг асосий ғоясини узида акс эттирувчи фразеологик ибора қобигида синтактик параллелизм, антитеза, такрор каби бадий услуб воситалари қўлланган:

Талпиндинг, йигладиңг - еддинг дунёга,

Суйлагин, сен нечун келдинг дунёга?

Бузилди, айт, нима қилдинг дунёга,

Ўзингли ким дея билдинг дунёга?

Ушбу турткининг асосий ғоясини дунёга келмоқ ибораси ифодалайди. Иборанинг дунё компонентни тўрт марта қайтарилади ҳамда шартли қоида асосида елдинг дунёга, ҳилдинг дунёга, билдинг дунёга бирикмалари тузилиб, келдинг

дунёга ибораси бир пайтнинг ўзида ҳам асл лугавий, ҳам кучма фразеологик ибора маъносини англатиб келган. Шеърнинг қолган бандларида ҳам ҳар хил иборалар фразеологик каламбур яратишга хизмат қилган. Масалан, тилни тиймоқ иборасини курайлик.

*Тилингни тиймайсан - бешарм сўйлар,
Кузингни тиймайсан - бузукқа бўйлар.
Уйингни тиймайсан - неларни ўйлар,
Ҳеч жазо йўқмикан бундоқ зинога?*

Бу ерда синтактик параллелизм такрор усуллари асосида тиймайсан сузи уч марта қайтарилиб, тилингни сузи бир лексик-семантик гуруҳдаги кузингни, уйингни сузлари билан алмашилади. Бу учлик охири мисрага маъно жиҳатдан қарама-қарши қилиб қўйилган. Шеърнинг кейинги бандлари ҳам шу хилда давом этади:

*Маломатнинг тоши тегмаган бошинг,
Магрур тутмоқликдан тиймаган бошинг,
Ҳаттоки онангга элмаган бошинг
Бердинг бу ҳавойи, пучак сафога.*

Бирданига иккита фразеологизм: элмаган бошинг, бошинг бердинг ҳам лугавий, ҳам фразеологик маънода қўлланган. Бу туртликнинг асосини фраземалар ташкил этган. Биринчи қаторда ишлатилган маломатнинг тоши иборалари асосида юзага ибораси тош олмоқ ва маломат тоши иборалари асосида юзага келган. Бу иборани индивидуал ибора ёки индивидуал неологизм деб аташ мумкин. Иккинчи мисрадаги тиймайсан бошинг ибораси иккинчи туртликдаги тилингни тиймайсан ибораси асосида тузилган тап бўлиб, уни ихтиро қилиш ёки шoir неологизми деб аташ мумкин.

Мазкур банднинг учинчи мисраси асосини элмаган бошинг, охириги мисраси мазмунини эса бошинг бердинг ибораси ташкил этади. Бу уч мисра маъноси туртинчи мисрага зидлаштирилган.

Шеърнинг навбатдаги туртлигига назар ташлаيлик:

*Тенгсиз таърифларни ўқиган кузинг,
Улуғ тарихларни ўқиган кузинг,
Қутлуғ ҳарфларни ўқиган кузинг
Не учун тикдинг бу юзи қарога.*

Куз тикмоқ ибораси ўқиган кузинг бирикмасининг уч марта қайтарилиши (семантик параллелизм ва такрор усуллари)

яққол каламбурни юзага келтирган.

Шеърнинг қуйидаги туртлигида қўл узатмоқ иборасининг ҳам лугавий, қўлини бор-бўйи йўналтирмоқ, чўзмоқ (нажот истаб мурожаат қилмоқ) маъносини қўлиниг сузини такрорлаш усули билан фаоллаштирган:

*Қишда қўшларга дон сочган қўлингни,
Нолок лўқмалардан қочган қўлингни,
Аллоҳ, деб дуога очган қўлингни -
Узатдинг ейиши, иши ҳаромга.*

Бу банднинг ҳам уч мисраси охириги мисрага маъно жиҳатдан қарама-қарши (антитеза)дир.

Адабий тилдаги юраги қон бўдди фразеологизми асосида вужудга келган қонга тулган юрак иборасини шoir неологизми деб атаса бўлади. Юрак сузининг бир неча бор қайтарилиши туйган сузига янги компонент бўлиб қўшилиб, сатр бошида туйдириб шаклида яна бир бор ишлатилиши фразеологик каламбурга асос бўлган. Иккинчи қаторда ҳам тўла юрак ишлатилган. Учинчи қатордаги қулган юрак ибораси ҳам шoir неологизмидир:

*Туйдириб ўт қонга туйган юракни,
Уддириб ҳақ дея тулган юракни,
Суддириб ишқ ила қулган юракни
Сен қандоқ сиялсан ёруғ дунёга?*

Бу туртликнинг охириги мисраси риторик савол тарзида тузилган бўлиб, ёруғ ва сиймоқ ибораси ишлатилган. Сунгги туртликдаги ушбу мисра шеърнинг биринчи бандидаги илк мисрасида ишлатилган ёруғ дунёга келмоқ иборасига ҳамоҳанг бўлиб, шеърнинг асосий моҳиятини англатади.

Сен нечун келдинг дунёга?

Сен қандоқ сиялсан ёруғ дунёга?

Энди мазкур асарнинг тузилиши, хусусиятлари ва ибораларнинг шеър тузилишидаги роли ҳақида қисқача тўхтаймиз. Биринчидан, шеърда кишининг ўзига қаратилган қандоқ сиялсан ёруғ дунёга? каби; киши аъзоларининг номларини уюштирувчи марказий компонент сифатида қатнашган тилингни, кузингни тиймайсан, маломат тоши тегмаган бошинг, элмаган бошинг, кузинг тикдинг, қўлиниг узатдинг, қонга тулган юракни каби иборалар қўлланилган.

Иккинчидан, юқорида қайд этилган иборалар биринчи, иккинчи ва охириги бандларда яхлит ҳолатда бир мисрада

қуйидагича берилган бўлса:

*Суйлагил, сен нечун келдинг дунёга,
Тилингни тиймайсан-бешарм суйлар,
Туйдириб ут қонга тулган юракни*

*Сен қандоқ сиялсан ёруғ дунёга, - шеърнинг қолган
ташналиги, туртинчи, бешинчи) бандларида асосий гоёни
ифодаловчи иборалар ҳамма мисраларга (1-, 2-, 3-) булиб
ташланган ва якунловчи сўзлар билан фразеологик боғланган.*

Қаранг: бошинг, бошинг, бошинг, бошинг -

*Бердинг бу ҳавойи, пучак сафога:
Кўзинг, кўзинг, кўзинг -*

Не учун тикдинг бу юзи қарога:

*қўлингни, қўлингни, қўлингни -
узатдинг ейиши, иши ҳаромга.*

Учинчи туртлик:

1. бошинг,
2. бошинг,
3. бошинг

4. Бердинг бу ҳавойи пучак сафога.

Туртинчи туртлик:

1. кўзинг,
2. кўзинг,
3. кўзинг

4. Не учун тикдинг бу юзи қарога?

Бешинчи туртлик:

1. қўлингни,
2. қўлингни,
3. қўлингни

4. Узатдинг ейиши, иши ҳаромга.

Ушбу иборалар шеърда муҳим композицион роль ўйнаган.
Учинчидан, шеърнинг барча бандидаги биринчи уч сўз
охирги сатрга маъно жиҳатдан қарама-қарши қилиб қўйилган,
яъни шеър антитеза асосида ёзилган.

Шундай қилиб, иборалар, уларнинг семантик ва стилистик
хусусиятларига таяниб қўлланилган услубий воситалар (такрор,
антитеза, синтактик параллелизм ва бошқалар) уқувчи
бадий тилнинг шакл ва мазмун тизимида тағ, яъни яшарин
маъно нозикликларига алоҳида эътибор уйғотади, шу билан
бирга чуқур мушоҳада қилишга ундайди. Бадий асарнинг
лисоний таҳлили эса унинг гоёвий мазмунини бадий тилнинг

воситалари орқали аниқлашда уқувчига осонлик туғдиради,
ёрдам беради. Шунингдек, таҳлил жараёнида уқувчи мустақил
фикрлашга эришиши билан бирга ижодий фаолликка ҳамда
оғзаки ва ёзма нутқий равлонлик каби малакага эга бўлади.

Наргиза ТУЛАНОВА,
ТошДУ аспиранти.

¹ А.А.Брагина. Устойчивые словосочетания и живая норма современного
языка. В КН.: Литературная норма в лексике и фразеологии. - М.: Наука,
1983. - стр.173.

² А.Уктам. Тарадул. - Тошкент, 1993 й.

СЎЗ СЕХРИ ЁКИ СУРАТ ПАРЧАЛАРИ

Бадий тил адабий асарнинг қурилишини ташкил этадиган
воситадир. Бадий асарнинг таъсирчанлиги, тил бойликларига
боғлиқдир. Бадий тилда сўз бир хил шаклга эга бўлиши
мумкин, лекин унинг бир неча маъно муносабатларини топшиш
ижодкорнинг маҳоратига боғлиқ. Сўзнинг сеҳри, унинг тафти,
жарангини очиш ҳам ижодкор томонидан ишғол этилажак
қонга ўхшайди.

Бизга маълум “Кўз” мавзуси шеърда анъанавий
темага эга. Бу анъанани давом эттирган шоирлардан бири
Усмон Азимдир. Шоир ўз шеърда кўз сўзининг бир неча
маъно маъно муносабатларини очиш билан бирга, унинг
қурилиши ҳам бир неча баравар кутарган.

“Сурат парчаси ҳақида дoston” Усмон Азим лирикасида
қимматга эга булган шеърлардан биридир, ҳатто унинг
қурилишидан бири ҳам шу шеър номи билан “Сурат
парчаси” деб номланган. Шеър ишонarli ҳаётий воқеа
билан яратилган. Лирик қаҳрамон боғдан ўтаётганда
унинг унинг нигоҳи йиртилган сурат парчаларига тушади.
Унинг бирида ноганиш бир кишининг кўз тасвири бор
Усмон Азим ана шу кўз тасвирига боғлиқ воқелик асосида
бу шеър яратилганга эришади. Биз шеърни таҳлил қилар